

САНЪАТ ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

У.А.УТАНОВА
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва
дизайн институти доценти

АННОТАЦИЯ

Данная статья рассматривает вопросы роли искусства в воспитании подрастающего поколения. Дается общее определение такому явлению, как искусство. В материале также поднимается проблема поверхностного подхода к проявлениям искусства, роль Интернета в ее формировании. Под видом «массовой культуры», которая распространена в интернете, нередко может скрываться насилие, распущенность, эгоцентризм и другие негативные явления. В статье отмечается, что подобным проявлениям следует противопоставлять веками сложившуюся народную культуру, мировое культурное наследие человечества, что без сомнения окажет положительное влияние в вопросах воспитания молодежи.

Ключевые слова. Духовность, культура, искусство, глобализация, массовая культура, идеологический иммунитет, духовное наследие.

ANNOTATION

This article examines the role of the arts in the education of the younger generation. Provides a general definition of the phenomenon of art. The article also raises the problem of a superficial approach to the manifestations of art, the role of the Internet in its formation. Under the guise of "mass culture" that is prevalent on the Internet, can often hide violence, promiscuity, self-centeredness and other negative phenomena. The article notes that such manifestations should oppose the current popular culture for centuries, a world cultural heritage of mankind, which no doubt will have a positive influence over the education of youth.

Key words. Spirituality, culture, art, globalizatio, mass culture, ideological immunity, spiritual heritage.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшлар маънавий камолотида санъатнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинган. Санъатнинг ёшлар маънавий ҳаётидаги муҳим аҳамиятига тўхталиб, ҳозирги кунда «оммавий маъданият» ниқоби остида ҳаётимизга кириб келаётган, маънавиятимизга зид «санъат асарлари» га қарши Шарқона ахлоқ, одоб, инсонийликка йўғрилган миллий маданият дурдоналарини кенг тарғиб қилиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурлиги таъкидланган.

Калит сўзлар. Маънавият, маданият, санъат, интернет, оммавий маданият, китч санъати, глобаллашув, мафкуравий иммунитет, маънавий мерос.

“Инсон ўзини англаш туфайлигина теварак-атрофдаги борликни ва бу борлиқ ўзи учун яратилганини, унинг тақдири шу борлиқ билан чамбарчаслигини идрок этади.”[1] Н. Комилов ёзганидек, “Бутун маънавият тарихи шуни кўрсатадики, цивилизация дегани инсоннинг ўз-ўзлигини англаш, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг ҳосиласидир”. Демак, инсон мавжуд экан умр бўйи ўзлигини англаш ва намоён этишга интилади.

Санъат инсонларга ўзлигини янада намоён этишга, ўзининг маъвият дунёсига, ўзлигига чуқурроқ кириб боришга, орзулар оламига ғарқ бўлишга ёрдам беради. У борлиқнинг мавжуд бизга маълум бўлган қирраларидан чекланиб, умуман ўзга бир

оламда яшашимизга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам санъатнинг инсон ҳаётида, айниқса ёшларда маънавий дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда аҳамияти чексиз ва бебаходир.

Санъатнинг тармоқлари кўп лекин илдизи битта. У ҳам бўлса инсониятни эзгулик сари, гўзаллик сари чорлашдир. Санъат нури чексиз юракларни муҳаббат туйғулари билан баҳраманд этади, ва қанчадан қанча ёш калблар ҳақиқий гўзаллик сари интиладилар. «Санъат асарлари билан нафақат музейлар, театр, мактаб, библиотека, стациялар безатилиши керак, балки қамоқхонанинг деворлари ҳам гўзал бўлмоғи лозим шунда қамоқхоналар ҳам бўлмаган бўларди» дейди рассом Н.Рерих. Шундай экан, «Муқаддас булоқ маънаб»нинг дарвозалари барча учун очиқ бўлиши лозим.

Инсон ҳаётини санъатсиз тасаввур қилиш кийин. Унинг ўзаги энг қадимги даврларга, яъни кишилар ғор деворларига энди чизишни ўрганган даврларига бориб тақалади. Санъат борлиқни иқтидор эгаси томонидан ижодий акс эттириш ёки борлиққа ижодий ёндошиш бўлиб, бу ижод жараёнининг мевалари нафақат унинг яратувчиларига, балки бутун инсониятга тегишлидир. Қадимги грек ҳайкалтарошлари, архитекторлари, флорентия мазайика усталарининг ижод намуналари ҳамда Рафаэль ва Микеланджело, Шарқ миниатюра мактаби Бехзод асарлари, Моцарт, Бах, Чайковский мусиқалари ўлмас санъат дурдоналари ҳисобланади. Буюк доҳолар ва уларнинг издошлари томонидан яратилган мўжизаларни ақлан тушунишга ҳаракат қилганингда вужудинг жунбушга келади, ва беихтиёр санъатнинг илохий бир мўжиза эканини тушунасан.

Ҳозирги кунда интернет саҳифаларида, оммавий ахборот воситаларида санъатнинг турли йўналишлари бўйича ижодкорларнинг кўплаб ижод намуналарини кўриш мумкин. Булар турли йўналишлардаги, турли дунёқарашга хос, турли эътиқод вакилларининг ижод намуналари бўлиб томошабинни мунозарага чорлайди. Баъзиларнинг фикрига кўра, санъат қайси кўринишда бўлса ҳам у санъатдир. Тўғри инсон ўзлигини намоён қилиши бу албатта яхши, қандай тасвирлаш ва нимани тасвирлаш бу ижодкорнинг ихтиёрий ҳуқуқи. Аммо ахлоққа зид бўлган “санъат асар”лари томошабинга, айниқса ёшлар тарбиясига, руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қани ўша ўтиб бўлмас чегара. Нима шундай очиқчалик ижодкорларни янада шаклланишига сабаб бўладими? Илҳом берадими? Шу ўринда француз адиби Андре Жиднинг қуйидаги фикрларини келтириш жоиздир: “Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун, сен аввало шундай кафолатга эга бўлишинг керакки, ёзганларинг (чизганларинг) ҳеч қандан оқибатларнинг сабабчиси бўлмасин”. Демак инсон ўз хатти-ҳаракатлари, яъни ижодий фаолиятининг маҳсуллари учун жавоб бериши керакми? Албатта керак. Лекин, санъат ҳақида, ижодкорнинг ижодий фаолияти ҳақида тўхталганимизда, биз авваламбор рассом қалбидаги, ички дунёсидаги санъатни ҳам унутмаслигимиз даркор. Санъатнинг қудратли кучи шундаки, у нафақат инсонга маънавий озуқа беради, балки бутун бир жараёнларнинг, тараққиётнинг қудратли қуроли бўла олади.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда ёшларни интернет сайтларидаги ахлоқ нормалари ва маънавийтимизга зид бўлган, шунингдек, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга таҳдид солувчи ахборотлар оқимидан ҳимоялаш, уларда ушбу ахборотларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиш, ота-оналар, маҳалла, мактаб ва бутун жамоатчиликнинг масъулияти ҳисобланади. Бу жараёнда биз бир зум бўлса-да бепарволикка йўл қўймаслигимиз лозим. Ёш авлодни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни, замонавий билимлар эгаси этиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга ошириш айти муддаодир. Шундай экан, ҳар бир ёш авлод қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Таъкидланганидек, жамиятимиз

тараққиёти, Ватан равнақи ёш авлоднинг илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида тарбия топишига боғлиқ. Шу боис бугун мамлакатимиз ёшларига ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Албатта, бу келажагимиз таянчи бўлган ёшларимизга юксак ишонч ва масъулиятдир.

Шу билан бирга, бугун халқ анъаналари, маросимлари ва, айниқса, байрамларида тарихий-маданий ўзига хосликларни сақлаб қолиш муаммога айланиб бормоқда. Магнитофон, синтезатор воситасида ортиқ даражада шовқин, қий-чув, сохта “оммавийлик” авж олмақда. Халқ маданиятининг асрлик анъаналарига хос ички мазмундорлик, моҳият, халқнинг фаол ҳаракатлари, иштироки сохта ташкилотчилик билан алмаштирилаётгани кузатилади. Бизнинг фикримизча, халқ анъаналари, маросимлари ва байрамларидаги ҳатто консервативлик, ибтидоийлик таъсири бўлса-да, ички ўзига хосликни, архаизмни сақлаб қолиш зарур.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. [2]

Бундай ҳолатлар эса ёшларнинг тафаккурига, мусиқасига, дидига, кийинишига, иморат қуриш, ўзаро муомала, оиласига, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда.

Махатма Гандига “Глобаллашув жараёнига қандай қарайсиз?” деган саволни беришганда, у шундай маънода жавоб берган экан: “Мен ташқаридаги бўрондан кўрқиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво ҳам керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан, деб деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки уйимни чанг-тўзон босиб кетишини ҳам хоҳламайман”.

Демак, биз ўша кириб келаётган воситаларга филтер ўрнатишимиз керак, холос.

Ҳозирги кунда китч санъати деган ибора нутқимизга кириб келмоқда.

Китч сўзи немисларнинг “kitchen” олмошидан ҳосил бўлган ва савияси паст, арзон ва жўн асар яратиб, сотишни билдиради. Бундай асарлар ҳақиқий санъат дурдоналари соясида пайдо бўладиган бўш, эсдан тез чиқиб, унутиладиган маданият маҳсулотларидир. Китч санъати маҳсулотини кўргач, одамда ҳеч нарса қолмайди. “Мен”идан жудо одам учун бебаҳо картина уй девори, мебели, пардаси рангига мос келиши ёки келмаслигига қараб қиммат касб этиши мумкин. Ҳақиқий санъатдан эса одам ўй-хаёлга чўмади.

Бу усул ахлоққа нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Яъни меҳрибон бўлиш эмас, меҳрибонга ўхшаб кўриниш, ҳақиқий дўст бўлиш эмас, ҳақиқий дўстга ўхшаш ва хоказо. Натижада ахлоқ сохта ахлоқ билан алмашади. Яхшилик ўрнини яхшиликка ўхшаш нарса эгаллайди. Шакл мазмунни сиқиб чиқаради. Маълумки, ҳар қандай зарарли ғоя одамни ичидан емиради, ўзини ва ўзлигини англашга салбий таъсир этади.

Улуг ва муқаддас туйғулар инсон қалбининг тўрида бўлади. Худа-беҳудага уларни ўринсиз тилга олиш, намоёиш қилиш, уларнинг қадрини тушириб юборади ва сохталаштириб қўяди. Афсуски, бундай эътирозли фикрларни бугунги кунда телевидение ва радио тўлқинларини эгаллаб олаётган, асосан, такрор ва чучмал сентиментал сўз-иборалардан иборат замонавий кўшиқларнинг матнларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Санъатга масъулиятсизлик билан муносабатда бўладиган, енгил-елпи ижод билан элга танилган санъаткорлар армияси пайдо бўлди. Ўзлари шоир, ўзлари композитор бўлган, маҳсус мусиқий билими бўлмаган жуда кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди ва улар ўз маҳсулотларини истаганча реклама қилмоқдалар. Ёшлар эса ана шундай сийқаси чиққан, лекин маълум маънода “ўз аудиториясини

топган”, “санъаткор”лар армияси билан юзма-юз турибдилар. Баъзан клипларда чиройли қизлар ва йигитлар нима деяётганликларини ўзлари ҳам тушунишмайди. Кучли мусиқа садоси остида нималардир дейишади, машиналарга ўтириб қаерларгадир боришади, ёки ёзиб олинган фонограммага мос қилиб лабни қимирлатиб туравериш керак, тамом вассалом. Бундай “асарлар” миллат менталитетини пасайтиришга хизмат қилаётгани сир эмас. Энди ўсиб, жамиятга кириб келаётган ёшларга, ўсмирларга афсуски, баъзи ОАВлар шундай таълим бермоқдалар ва у қай бир даражада ўз харидорини топмоқда ҳамда онгига таъсир этмоқда. Томошабинга бирор нарсани тақдим этишдан олдин актёрнинг ўзида маданият, билим, савия, ахлоқ-одоб, сабр, ирода каби гўзал ҳислатлар мужассам бўлиши керак, шундагина у томошабинни ўз ортидан эргаштира олади. Санъат асарларининг савиясини ошириш, обрўсини сақлаш учун бу соҳани «Кел, биз ҳам бир роль ўйнаб кўяйлик» дейдиган тадбиркорлар, сохтакорлар кўлига бериб қўймаслик керак.

Демак, биз – ота-оналар, ўқитувчилар, журналистлар, адабиёт ва санъат аҳли ёшлар онгига аجدодларимизнинг покиза ва ўтли муҳаббатини чуқур сингдиролмагандирмиз. Шу туфайли бизнинг руҳимиз, табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай “маданият” намуналари “хўрозқанд чет элники деса, ётиб ялайдиган” баъзи ёшларимизни ўзига ром этмоқда. Маданиятнинг бу каби кўринишлари миллий маданиятларни сийқалаштиришга олиб келмоқда, ёшларни тайёр, арзон, осон топиладиган неъматлардан фойдаланишга даъват этмоқда. Уларда халқ маданиятига хос анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик эмас, балки тезроқ ва кўпроқ сотиш, бойиш, енгил, сийқа қарашларга қурилган, ҳеч қандай интеллектуал изланишсиз осонгина қабул қилинадиган “асарлар” тарғиб қилинади. Бу ёшларга кўпроқ ёқади, чунки уларга “моҳият эмас, мазмун эмас, балки тақлид, кўр-кўрона эргашин ёқади. Осон ва енгил-елпи мусиқаларни эшитиш, маънисиз, аммо сершовқин томошаларга қатнаш, зўравонлик, фоҳишабозлик, сохта қахрамонликни, севгини мадҳ қилувчи фильмларни кўриш мисол бўлиши мумкин. Ушбу “санъат ва маданият асарлари”га қарши халқ маданиятини, Шарқона ахлоққа, одобга, инсонийликка йўғрилган миллий маданият дурдоналарини кенг тарғиб қилиш зарурдир. Шунингдек, ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдод ва маҳоратларини намоён қилишга қаратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича амалий таклифлар билан чиқиш, ҳамда ёт гоълардан асраш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Кўчқоров А. Миллий тикланиш ва ўзликни англаш. –Т.: «Шарқ», 2004.- Б. 25 .
- [2]. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. Б.117.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Д.С.РАҲМАТУЛЛАЕВ
ЎзДСМИ магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшларга юксак таълим-тарбия бериш, ёшлар тафаккурида маънавий дахлдорлик ҳиссини шакллантириш борасида фикрлар юритилиб, турли янги корреспондентив таклифлар ёритилган. Шунингдек, мавзу доирасида илгари сурилган гоъянинг амалий исботи учун назарий иқтибослар келтирилган.